*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил
26 январь
ШАНБА

№ 7
(12.539)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз опа-сингиллар, муҳтарама аёллар!

Авваламбор, сизларга – Ўзбекистон хотин-қизлари республика конференциясининг барча иштирокчиларига, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларига ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, анжуман ишига катта муваффақиятлар тилайман.

Бундан йигирма бир йил олдин ташкил топган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўзининг жойлардаги бўлимлари ва тузилмалари билан бирга ўтган қисқа давр мобайнида, айтиш мумкинки, ўта муҳим ва масъулиятли, улкан вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва марраларга эришди. Бу ташкилотнинг мамлакатимиз аёлларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасидаги кўп қиррали фаолияти, жаҳон хотин-қизлар ҳаракатининг эътибор марказида турган долзарб масалаларни ҳал қилишга қўшган ҳиссаси айниқса охирги йилларда унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кучайтиришга олиб келди.

Мамлакатимиз олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишда – бу жамиятни демократик янгилаш бўладими, иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш бўладими – буларнинг барчасини мужассам қилиб айтганда, Ўзбекистонимиз эришган ва дунё ҳамжамияти тан олаётган марраларни эгаллаш йўлида бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳиссаси борлигини бугун яна бир бор чуқур миннатдорлик билан эътироф этишни зарур деб биламан. Ҳақиқатан ҳам, улар ўзларининг меҳнатсеварлиги, оқилалик ва шукроналик фазилатлари, сабр-бардоши, эртанги кунга ишонч туйғуси билан барча қийинчилик ва машаққатларни енгиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келаётганини кўплаб ҳаётий мисолларда яққол кўриш мумкин.

Шу борада ўзимизга мос қадрият ва қарашларимизни ифода этадиган муҳим бир масалага эътиборимизни қаратишни ўринли, деб ҳисоблайман.

Ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлмиш, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотига қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак – барибир барчамиз ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.

Фақатгина аёл зотига мансуб бўлган мана шундай ноёб, бетакрор хусусият ва фазилатларни таърифлаш ва улуғлаш, уларнинг кундалик турмушимиздаги аҳамияти ва таъсирини кучайтириш, оилаларимизни янада мустаҳкам қилиш, шу аснода ҳаётимизни ҳар томонлама обод, гўзал ва мазмунли этиш – бундай долзарб вазифалар бугунги кунда Хотин-қизлар қўмитаси иш фаолиятида эътибордан четда қолмаслигини истардим.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: ҳозирги вақтда оилани, хусусан, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, оғирини енгил қилиш, улар дуч келадиган турли муаммоларни ечиш, зарур кўмак ва ёрдам бериш ҳам ана шу масалаларнинг узвий бир қисми эканини яхши англаб олишимиз лозим.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш сингари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг самарасини янада кучайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Муҳтарама опа-сингилларимизнинг ўз билим ва профессионал малакасини, салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари учун, аёлларимиз, ёш қизларимизни айниқса қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, касаначилик, оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар туғдириб бериш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари қаторига киради.

Ҳозирги вақтда дунёда ва минтақамизда вазият тобора кескинлашиб, ўзаро қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бир шароитда оилаларда, маҳаллаларда фаол иш олиб бориш, ёш авлодимизни турли зарарли оқим ва таъсирлардан сақлаш, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган инсоний фазилатларни асраш қандай муҳим аҳамият касб этаётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада болаларимизни, айниқса, қиз болаларни соғлом руҳда тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллашига кўмаклашиш, урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш Хотин-қизлар қўмитаси, унинг жойлардаги вакиллари ва фаоллари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар олдида турган энг муҳим вазифадир.

Бугунги анжуманда сизлар айни шу йўналишда олиб бораётган ишларингизга танқидий баҳо бериб, хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янги, юқори босқичга кўтаришга қаратилган амалий қарорлар қабул қиласиз, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти.**

Кичик бизнес

# «ФАРОҒАТ»ДА ШИЖОАТ БОР

***Бугун юртимиз иқтисодиёти ривожида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси катта. Хусусан, улар аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.***



Оҳангарон туманидаги "Фароғат" хусусий корхонаси 2007 йилда ташкил топган бўлиб, атиги 5 киши билан иш бошлаган эди. Корхона раҳбари Фароғат Мўминжонова 2010 йилда банкдан 75 миллион сўм кредит олиб корхона фаолиятини кенгайтирди ва яна 22 кишини муқим иш билан таъминлади.

– Темир йўл ҳамда фавқулодда вазиятларда қутқарув хизмати ходимлари учун устки кийимлар тикиб, вақтида етказиб бермоқдамиз – дейди хусусий корхона раҳбари. – Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга яратилаётган қулайликлардан самарали фойдаланиб, келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириб, янги иш ўринларини яратиш ниятидамиз.

**СУРАТДА:** чевар Ўғилой Толихова шу корхонада ишлаётганидан фахрланади.

**Даврон АҲМАД**
**олган сурат.**

Қарор ва ижро

# БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2012 йил 5 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор ижроси изчил таъминланмоқда.**

Шу мақсадда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий ишларни амалга ошираётир. Амнистия туфайли жазони ижро этиш жойларидан озод этилаётган шахсларнинг жамиятга мослашишини таъминлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, иш билан таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган аёллар колониясида мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

– Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор юртимизда инсонпарварлик тамойили тўла ва изчил таъминланаётганлигининг амалдаги яна бир яққол ифодасидир, – дейди Тошкент махсус прокурорининг ўринбосари Рустам Ҳамидов. – Билмай хато қилганни ёки қилмишидан пушаймон бўлганларни кечириш, уларга яна имкон бериш халқимизга хос фазилатдир. Бундай бағрикенглик ва кечиримлилик, айниқса, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш жоизки, қарорда жазодан озод этилиши кўзда тутилганлар орасида аёлларга алоҳида эътибор қаратилган.

– Қилган оғир жиноятим учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилгандим, – дейди сирдарёлик Наталья Биктаева. – Ушбу муддатнинг ярми ўтганда юртимизда устувор бўлган инсонпарварлик, кечиримлилик туфайли озодликка чиқиб, уйимга қайтаяпман. Бу ерда оила, фарзандлар дийдоридан азиз неъмат йўқлигига, улар учун фақат ҳалол меҳнат қилиш тўғри йўл эканига кўп бора иқрор бўлдим. Юртбошимиз томонидан мен каби адашганларга нисбатан кўрсатилган ғамхўрлик ҳаёт йўлимни бутунлай ўзгартиради, энди фақат ҳалол меҳнат қилиб, одамларга яхшилик улашишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Вилоят ҳаёти

Оҳангарон тумани

Тумандаги "Саховат" интернат-уйи тажрибасини ўрганишга бағишланган республика услубий-амалий семинари ўтказилди.

### ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ ТАЖРИБА

Республикада биринчи бўлиб шу муассасада васийликка олинганларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш бригада усулида ташкил қилинди. Оҳангарон шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари, "Покиза" ўқув маркази, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кучи билан васийликка олинганларга ёрдам кўрсатиш, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш мақсадида "Ғамхўрлик" кўнгиллилар ҳаракати бошланди. "Medical teams" (АҚШ) халқаро хайрия ташкилоти билан ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилинмоқда.

**Гулжамол БОЙТЎРАЕВА.**

Қибрай тумани

### «МАҲАЛЛА» ТУҲФАСИ

Вазирлар Маҳкамасининг "Мамлакатимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар билан аҳолининг кенг қатламини ахборотлаштириб бориш мақсадида кам таъминланган оилани уч тўлқинли FM радио қабул қилувчи мослама билан таъминлаш тўғрисида"ги Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими 86 та маҳаллада истиқомат қилаётган кам таъминланган, ногирон, кекса, ёлғиз ва боқувчисини йўқотган оилаларга FM радио қабул қилувчи мосламалар топширмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 1380 оилага 23,4 миллион сўмлик FM радиолари тарқатилди. Байтқўрғон, Май қишлоқлари ва Салар, Қибрай шаҳарчалари аҳолиси бу ёрдамдан мамнун.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Зангиота тумани

### МАВЗУЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

Туман кўп тармоқли поликлиникаси шифокорлари Зангиота академик лицейи ўқувчилари учун тадбир уюштирдилар. Унда репродуктив саломатлик деганда нималарни тушуниш, соғлом турмуш тарзи нима ва унга қандай риоя қилиш керак, онкологик касалликлар ва уларнинг олдини олиш ҳақида ўқувчиларга тушунчалар берилди.

Тадбир сўнгида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

### ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ҲИССАСИ

**"Ўзбекистон металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг 2-навли прокат цехи ёрдамчи хўжалигида паррандачилик фермаси ишга туширилди.**

Ёрдамчи хўжаликка Қибрай туманидаги "Тошкент парранда" фермасидан эндигина тухумдан чиққан жўжалар олиб келинди. Бу жўжалар келгусида тухум олиш учун парваришланади.

Шуниси эътиборлики, паррандачилик фермасида 20 киши иш билан таъминланди. Келтирилган 17 минг жўжа тахминан 16-17 ҳафтадан сўнг тухум бера бошлайди. Уларни комбинатнинг таркибий бўлинмалари, болалар боғчалари, "Саховат уйи" ошхоналарига тарқатиш режалаштирилган.

**Ўз мухбиримиз.**

Ўқув-семинар

# ФЕРМЕРЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

**Тошкент Давлат аграр университетининг "Ахборот-ресурс" марказида республика Президентининг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент ҳамда Сирдарё вилоятлари фермер хўжаликлари раҳбарлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.**

24 январь куни бошланган уч кунлик семинарда вилоятнинг барча туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда фермер хўжаликлари бошлиқлари иштирок этди. Ўқув-машғулотлари жараёнида республика Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази, Олий хўжалик суди, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси маркази раҳбар ва мутахассислари фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга оид мавзуларда маърузалар қилишди.

Тадбирда қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари, фермер хўжаликларининг тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тизими, фермер хўжаликларига яратилган имтиёзлар ва улардан фойдаланиш тартиб-қоидалари, фермер хўжаликларида маҳсулотларни сақлаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимига инвестициялар жалб этиш, парвариш даврида агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашнинг самарали йўллари, фермерлар кенгашларининг давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимият идоралари қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари устидан судга даъво аризалари киритиш ҳуқуқлари ва уларни кўриб чиқиш масалалари, фермер хўжаликларидаги меҳнат муносабатлари ва ишчи кучини ёллаш қонун-қоидалари ҳамда замонавий ахборот-



коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳақида сўз борди.

Семинар давомида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва шартномавий мажбуриятларни вақтида бажариш юзасидан фойдали таклифлар билдирилди.

Иштирокчиларга 2012 йил давомида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ишлар таҳлили юзасидан диаграммалар асосида ташкил этилган видеослайдлар намойиш этилди.

Ўқув-семинарнинг очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов иштирок этди.

